

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДИЯРОВА ДИЛҒУЗА УМИРЗАҚОВНА**

**БЎЛАЖАК УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИ КАСБИЙ  
СТРЕССИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05-Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

УДК: 159.9.072.53

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Psychological sciences**

**Мамадиярова Дилфуза Умирзақовна**

Бўлажак умумий амалиёт шифокорлари касбий стресси  
профилактикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари .....3

**Мамадиярова Дилфуза Умирзақовна**

Социально-психологические особенности профилактики  
профессионального стресса у будущих врачей общей практики .....31

**Mamadiyarova Dilfuza Umirzakovna**

Socio-psychological features of occupational stressprevention in future  
General practitioners .....59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДИЯРОВА ДИЛҒУЗА УМИРЗАҚОВНА**

**БЎЛАЖАК УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРЛАРИ КАСБИЙ  
СТРЕССИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05-Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.4.PhD/P216 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухамедова Муяссар Гафурджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Шоира Хамидовна**  
психология фанлари доктори (DSc), профессор

**Араббаева Дамегул Курбановна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 4-қават, 409-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси)

**Д.Г.Мухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, профессор

**И.И.Рахимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.С.Сафаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда шифокорларнинг касбий саломатлиги ва шахсий хотиржамлигини таъминлаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Шифокорлик амалиёти жараёнида шифокорнинг руҳий эмоционал ва стресс ҳолати аҳамиятли бўлиб, ушбу стресснинг асоратлари шифокорлар амалиётида бир қатор камчиликларга олиб келади. Касбий стресснинг асоратлари шифокорларда «...узоқ муддатли руҳий эмоционал зўриқиш, инсонларда касбий-шахсий деформацияларнинг шаклланиши, оила ва ишхонадаги шахслараро муносабатларни бузилишига олиб келади»<sup>1</sup>. Касбий стресс мутахассиснинг жинси, ёши, иш стажи, қайси ташкилотда ва қайси мутахассислик ва лавозимда ишлашига боғлиқ бўлиб, ўзаро боғлиқлик ҳолатининг аниқ хусусиятларининг етишмаслиги шифокорлардаги касбий стрессларни олдини олишни адекват йўллари шакллантириш амалий жиҳатдан замон талаби бўлиб қолмоқда.

Дунё бўйлаб кенг тарқалган руҳий эмоционал зўриқишда бўлган инсонларнинг руҳий ҳолатини баҳолаш, ижтимоий психологик хусусиятларини аниқлаш ва ушбу ҳолатни даволашга йўнатирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касбий стресс тушунчасининг моҳияти ва унинг шаклланиш сабабларини башоратлаш, даврий иш фаолиятининг жадаллиги, тўхтовсиз беморлар оқими, умумий иш фаолияти ҳажмининг кўплиги билан боғлиқлиги ва касбий стресс профилактикасида тренинг машғулотлар дастурини самарадорлигини асослашдан иборат.

Мамлакатимизда аҳолига психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, амалиётчи психологлар фаолиятини кучайтириш, шифокорлик амалиётида психологик зўриқиш ва стресслар диагностикаси ихтисослашган психологик кадрларни тайёрлаш ва эмоционал зўриқиш ҳолатларини даволашнинг самарали усулларини тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...Мамлакатимиздаги аҳолига кўрсатилаётган тиббий психологик ёрдамнинг самарадорлигини, ходимлар малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт таълим муассасаларида тиббий психологлар ва жамоатчилик вакиллари томонидан олиб бориладиган психологик ишларнинг оммабоплиги ва сифатини ошириш, соғлом муҳит яратиш, тиббий хизмат сифати, тарбия жараёни ва ижтимоий маънавий муҳитни қўллаб-қувватлашда халқаро тажрибалардан фойдаланиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда умумий амалиёт шифокорлар орасида касбий зўриқишларни олдини олиш, хулқ-атвор психологияси, конфликтология ва медитация бўйича илмий тадқиқот ишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Митина Л.М. Психологические средства преодоления трудностей личностно-профессионального развития и сохранения здоровья субъектов образования.–М.:СПб.:НесторИстория, 2015.- 285 с

<sup>2</sup>2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, бугунги кунда касбий стрессни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда, стрессни ўрганишга доир асосий ёндашувлар аниқланиб, унинг муҳим йўналишлари белгиланган. Олимлар илмий-тадқиқот ишларининг аксарияти асосан педагогик фаолиятда стресс (Мухамедова Д.Г. , Сафаев Н.С. , Каримова В.М. <sup>3</sup>, Ғозиев Э.Ғ. <sup>4</sup>, Шоумаров Г.Б. <sup>5</sup>, Баратов Ш.Р. <sup>6</sup>ва б.қ.), стрессдан кейинги ҳолатлар ва реабилитация ишларини ташкил этиш асослари (Бодров В.А., Леонова А.Б., Красиков Ю.В., Цветков Ю.А. <sup>7</sup>, Митина Л.М. <sup>8</sup>ва б.қ.), касбий стресс ва касбий куйиш синдроми (Зеленова М.Е. , Рогинская Т.И. , Тарабрина Н.В. ва б.қ.), менежмент стресси (Гринберг Дж.С. , Гремлинг С., Ауэрбах С. ва б.қ.)ни ўрганишга бағишланган.

Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги кам ўрганилаётган муаммолар орасида муайян касб, хусусан, умумий амалиёт шифокори фаолиятига тайёрлаш босқичида касбий стресс ва унинг профилактикаси хусусиятларига

<sup>3</sup>Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик. – Т., 2012. –172 б.;

<sup>4</sup>Ғозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010 – 360 б.;

<sup>5</sup>Шоумаров Г.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари// Янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишнинг психологик муаммолари. – Тошкент: 1998.– Б. 13-15;

<sup>6</sup>Баратов Ш.Р. Олимов Л.Я. Психология назариясиватарихи. Дарслик. – Т.: 2019. – 500б.;

<sup>7</sup>Цветков Ю.А. Мотивация профессиональной деятельности следователя. Журнал «Юридическая психология», 2013. №3.– С. 43-49;

<sup>8</sup>Митина Л.М. Психологические средства преодоления трудностей личностно-профессионального развития и сохранения здоровья субъектов образования: Кол.моногр./Л.М.Митина и др., Под.ред. Л.М. Митиной. – М.:СПб.:НесторИстория, 2015.- 285 с

бағишланган масалалар мавжуд. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги тадқиқот мавзусининг мақсадга мувофиқлигини асослайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170913120 «Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий амалиёт шифокорларида касбий стресс ривожланиши ижтимоий-психологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шифокорлик касбида функционал бурчлари ва бажариладиган иш турига қараб касбий стресснинг ривожланишидаги асосий тахлика омилларни баҳолаш;

шифокорлик касбда касбий стресс тушунчасининг моҳияти ва унинг шаклланиш сабабларини ёритиш;

умумий амалиёт шифокори фаолиятида касбий стресснинг ривожланиш омилларини белгилаш;

умумий амалиёт шифокорининг касбий стресснинг тузилмавий моделини тайёрлаш;

умумий амалиёт шифокорларидаги касбий стресснинг олдини олишнинг шакл ва усулларни белгилаш;

умумий амалиёт шифокорларида касбий стресс профилактикаси мақсадида тренинг машғулотлари дастурини тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 228 нафар умумий амалиёт шифокорлари тингловчилари ва Самарқанд давлат тиббиёт институтининг юқори босқичдаги 195 нафар талабалари жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак умумий амалиёт шифокорларида касбий стресс намоён бўлиши ва унга сабаб бўлувчи ижтимоий-психологик омилларнинг таъсир этиш хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда назарий (Илмий адабиётларнинг назарий таҳлили, хужжатларни таҳлил қилиш, психологик синов, кузатув) ва эмпирик усуллари: Т.Д.Азарных ва И.М.Тыртышниковнинг касбий стрессни аниқлаш тести, Т.А.Немчиннинг нейропсихик стрессни аниқлаш учун сўровномаси, М. Шнайдернинг коммуникатив назоратнинг тест анкетаси, А.Г.Маклаков ва С.В.Чермяниннинг "Мослашувчанлик" шахсининг кўп даражали сўровномаси (ШКДС), Ч.Д.Спилбергер ва Ю.Л.Ханиннинг хавотирни тадқиқот қилувчи тести, С.Коухен ва Г.Виллиансоннинг стрессга чидамлилиги бўйича тест анкетаси, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика

методлари, Студентнинг t-мезони ҳамда Спирменнинг нопараметрик мезонига кўра корреляцион таҳлили усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумий амалиёт шифокорларининг психоэмоционал ҳолатини белгиловчи касбий стресс ривожланишига салбий таъсир қилувчи ёш категорияси, касбий фаолият стажи, иш ҳажмининг мураккаблиги ва доимий юқори маъсулият ҳисси касбий ривожланишдаги стрессли вазият кўрсаткичлари омили эканлиги асосланган;

бўлажак шифокорларининг даволаш амалиётида фаолият самарадорлиги пасайишини келтириб чиқарувчи касбий ўз-ўзини англаши пастлиги, адаптация салоҳиятининг қуйи даражадалилиги, вазиятли хавотир ва психоэмоционал ҳолатларига тушишини олдини олишни психологик тренинг, диалог, кейс-маслаҳатлашув технологияларини қўллаш такомиллаштирилган;

амалиёт жараёнида шифокорнинг адаптация салоҳиятини яхшилашга имкон берувчи коммуникатив назорат, иродавий сифатларни такомиллаштириш, касбга позитив ёндашув, беморни перцептив англаш индивидуал психологик хусусиятларни ривожлантириш очиб берилган;

шифокорнинг когнитив хулқ-атвор ёндашувга асосланган стрессга бардошлилик, стрессни бошқариш, касбий йўналганликни оширувчи психологик машғулотларнинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

умумий амалиёт шифокори касбий стрессининг структур модели тайёрлаш асосида бу ривожланишнинг муқобил шароит ва омиллари баҳоланган;

бўлажак умумий амалиёт шифокорлари касбий стресси профилактикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари касбий стрессга олиб келувчи «вазиятли хавотир», «адаптация салоҳияти», «коммуникатив назорат» ва «асабий-руҳий зўриқиш» каби стрессор ҳолатлари психологик тестлар асосида баҳоланган;

умумий амалиёт шифокори касбий стрессининг шаклланишнинг турли даражалари баҳоланган;

умумий амалиёт шифокори касбий стрессга бардошлиликни таъминловчи касбий-шахслараро, касбий-ижтимоий, шахсий, ташкилий-касбий, ижтимоий-психологик механизмлар тузилмаси ишлаб чиқилган;

умумий амалиёт шифокори касбий камолоти ва стрессга бардошлиликни ривожланиши ҳамда касбий адаптация учун хизмат қилиши кўзда тутилган муаллифлик ишланмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, респодентлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган назарий таҳлил, психологик тест, кузатиш, руҳий-асаб зўриқишларни аниқловчи сўровнома, хавотирни тадқиқ қилиш тести, стрессга чидамлик тест-сўровнома ва статистик усуллар асосида



бўлажак умумий амалиёт шифокорлари касбий стресси профилактикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий амалиёт шифокори касбий стресси моделининг ташқи стрессорлар ва ички детерминантлари субъектив баҳолаш шароитида стрессорлар сифатида пайдо бўлиши аниқланди. Касбий стрессга олиб келувчи «вазиятли хавотир», «адаптация салоҳияти», «коммуникатив назорат», «асабий-руҳий зўриқиш» каби стрессор омиллари баҳоланган, натижада тингловчилар амалиётчи психологлар фаолиятида касбий камолотнинг ривожланиши, илмий, ўқув-методик таъминотни бойитиш ва касбий мулоқот самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий амалиёт шифокорининг касбий стрессга бардошлиликни таъминловчи касбий-шахслараро, касбий-ижтимоий, шахсий, ташкилий-касбий каби ижтимоий-психологик механизмлари тузилмаси ишлаб чиқилиши, умумий амалиёт шифокори касбий камолоти ва стрессга бардошлиликнинг ривожланиши ҳамда касбий адаптация учун хизмат қилиши кўзда тутилган муаллифлик ишланмаси тавсифланиб, эмпирик маълумотларга асосланган ҳолда унинг самарадорлиги исботланди, бу эса психодиагностик баҳолаш синамалари асосида шакллантирилган психологик касбий портрет тузиш сифати ва самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак умумий амалиёт шифокорлари касбий стресси профилактикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

умумий амалиёт шифокорларининг психоэмоционал ҳолатини белгиловчи касбий стресс ривожланишига салбий таъсир қилувчи ёш категорияси, касбий фаолият стажи, иш ҳажмининг мураккаблиги ва доимий юқори маъсулият ҳисси касбий ривожланишдаги стрессли вазият кўрсаткичлари омили эканлигига доир хулосалардан Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>б</sup>-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>б</sup>-сон маълумотномаси). Натижада тингловчилар амалиётчи психологлар фаолиятида касбий камолотнинг ривожланиши, илмий, ўқув-методик таъминотни бойитиш ва касбий мулоқот самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

бўлажак шифокорларининг даволаш амалиётида фаолият самарадорлиги пасайишини келтириб чиқарувчи касбий ўз-ўзини англаши пастлиги, адаптация салоҳияти қуйи даражаси, вазиятли хавотир ва психоэмоционал ҳолатларига тушишини олдини олишни психологик тренинг, диалог, кейс-маслаҳатлашув технологияларини қўллашга доир хулосалардан Тошкент

давлат педагогика университетининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>В</sup>-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий марказининг «Касб психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>В</sup>-сон маълумотномаси). Натижада умумий амалиёт шифокорларида ташқи стрессор ва ички детерминантларини субъектив баҳолаш шароитида стрессорлар сифатида пайдо бўлишини баҳолаш имконини берган;

амалиёт жараёнида шифокорнинг адаптация салоҳиятини яхшилашга имкон берувчи коммуникатив назорат, иродавий сифатларни такомиллаштириш, касбга позитив ёндашув, беморни перцептив англаш индивидуал психологик хусусиятларни ривожлантиришга доир хулосалардан Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>В</sup>-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий маркази «Касб психодиагностикаси ва психокоррекцияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>В</sup>-сон маълумотномаси). Натижада соҳа вакилларида касбий стрессга бардошлилиги бўйича психологик профилактик ишларни ташкиллаштириш механизмлари кучайтирилган;

шифокорнинг когнитив хулқ-атвор ёндашувга асосланган стрессга бардошлилик, стрессни бошқариш, касбий йўналганликни оширувчи психологик машғулотларнинг самарадорлигига доир хулосалардан Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 13-майдаги П-М-5<sup>В</sup>-сон буйруғи билан Психология ўқув-илмий маркази «Касб психодиагностикаси ва психокоррекцияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университетининг Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 13 - майдаги П-М-5<sup>В</sup>-сон маълумотномаси). Натижада бу психодиагностик баҳолаш синамалари асосида шакллантирилган психологик касбий портрет тузиш сифати ва самарадорлигини таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шифокорлик фаолиятида касбий стрессни тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида касбий стресс тушунчаси ва моҳияти, шунингдек, унинг юзага келиши очиб берилган, ўрганилаётган масала умумий амалиёт шифокори фаолиятига боғлиқ равишда ёритилган.

Тадқиқ этилаётган масала бўйича ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, бугунги кунда ўрганилаётган тушунчанинг бир хил тавсифи йўқлигига қарамасдан, турли тадқиқотларда уни фаол қўллаш кузатилади. Касбий стресс бир қатор атамаларни умумлаштирувчи (иш стресси, меҳнат стресси, ишлаб чиқариш стресси, ташкилий стресс ва б.к.) тушунча сифатида қаралади.

Одатда улар меҳнат субъекти шахсининг касбий фаолиятда, унинг махсус шароитларида юзага келадиган психик ҳолатини англатади. Бунда касбий стрессни ўрганишдаги аксарият замонавий ёндашувлар касбий соғлиқ психологияси, касбий фаолиятни самарали бажариш, бошқарув жараёни, шахслараро муносабатларни оптималлаштириш, мувофиқ ўзаро таъсирни ўрнатиш ва бошқалар билан чамбарчас боғлиқ.

Мазкур диссертацион тадқиқот доирасида касбий стресс деганда юзага келадиган касбий вазият, касбий фаолиятни амалга ошириш мураккабликларига мослашиш жараёнида меҳнат субъекти шахсининг танг ҳолатини акс эттирувчи комплекс ва кўп жиҳатли индивидуал ҳодисани тушуниш мақсадга мувофиқдир.


Ўз моҳиятига кўра ушбу ҳодиса асосан касбий фаолиятдаги талаблар ва мазкур мутахассисликка нисбатан шахсининг мавжуд имкониятлари ўртасидаги номувофиқлик туфайли юзага келадиган салбий эмоционал кечинмалар, хавотир билан боғлиқ. Яъни бугунги кунда бартараф этилиши қийин бўлган касбий тўсиқларнинг субъектив баҳоси, меҳнат субъектининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан белгиланадиган талқинларни касбий стресс пайдо бўлишининг асосий сабабига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, умумий амалиёт шифокорининг замонавий касбий фаолияти одатда асосан интеллектуал меҳнат, юқори масъулият, меъёрлаштирилмаган иш куни, ҳаракатли, кўриш, эшитиш анализаторларининг куч билан ишлаши, тафаккур, ирода, диққатнинг

зўриқиши билан характерланади. Шунингдек, у ўзининг ностандартлиги ва юқори эмоционал фони билан фарқланадиган турли-туман коммуникатив вазиятларга бойдир. Яъни касбий фаолиятнинг ушбу тури умумий амалиёт шифокорининг турли касалликларга чалинган ва одатда касаллик кучайганда мутахассисга мурожаат қилувчи мижозлар билан мунтазам алоқасини назарда тутаяди, бу шубҳасиз, алоқа жараёнини мураккаблаштиради ва шифокор субъектига махсус коммуникатив талабларни қўяди. Юқори эмоционал фон, мижозларнинг касалликлари натижасида салбий кечинмалари билан мунтазам тўқнаш келиш умумий амалиёт шифокорида эмоционал зўриқишни муайян даражада олдиндан белгилаб беради ва натижада касбий стресснинг юзага келиш хавфини оширади. Умумий амалиёт шифокори касбий фаолияти турли коммуникатив вазиятларга бойлиги, уларнинг аҳамиятга эга ролига қарамасдан, илмий адабиётларда мазкур йўналишдаги экспериментал тадқиқотларнинг танқислиги кузатилади. Шифокор ва мижоз ўзаро муносабатлари тадқиқ этиладиган алоҳида ишларда одатда бу масалалар юзаки, кўпинча умумий тавсиялар шаклида ўрганилади. Шунингдек, умумий амалиёт шифокорининг коммуникатив хусусиятлари шаклланиши ва ривожланиши олий таълим муассасарида ҳам, дипломдан кейинги таълимда даврида ҳам деярли таҳлил қилинмайди.

Диссертациянинг «**Умумий амалиёт шифокори касбий стрессининг хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида умумий амалиёт шифокори касбий стрессининг даражалари ва шахсий детерминантлари тадқиқ этилган, ўрганилаётган ҳодисанинг структур модели ажратилган.


Ташкиллаштирилган эмпирик тадқиқотда мутахассислиги бўйича турли иш стажларидаги 27 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркек ва аёл жинсидаги жами 228 нафар умумий амалиёт шифокори иштирок этди (1-расмга қаранг).



1-расм. Касбий фаолият стажи бўйича эмпирик тадқиқот танлови хусусияти (n=228).

Психодиагностик кузатувдан олинган натижалар умумий жадвалда умумлаштирилди, бу эса дастлабки таҳлилни ўтказиш ва умумий амалиёт шифокори касбий стрессининг мувофиқ даражаларини ажратиш имконини берди. Шундай қилиб, аксарият респондентларда (47,8 %,109 киши) касбий стресснинг ўртача даражаси кузатилди, буни коммуникатив алоқаларга тўла шароитларда касбий фаолиятини бажарувчи мутахассис учун ўртача деб баҳолаш мумкин. Касбий стресснинг паст даражаси 13,6 % (31 киши) респондентларда аниқланди.

Ушбу тоифани энг стрессга чидамли, юзага келадиган қийинчиликларни самарали бошқара олувчи, турли касбий вазиятларга муваффақиятли мослаша олувчи сифатида тавсифлаш мумкин. Шу билан бирга, 38,6 % (88 нафар) респондентларда касбий стресс муаммоли даражада эканлиги хавотирлидир. Улардан 27,6 % (63 нафар)и ўртадан юқори даражада, 11 % (25 нафар) и юқори даражада (2-расмга қаранг).



**2-расм. Умумий амалиёт шифокори касбий стресси даражалари (n=228)**

Ушбу маълумотнинг гувоҳлик беришича, умумий амалиёт шифокорларининг мазкур гуруҳи учун касбий фаолиятнинг кундалик зўриқиши ва мувофиқ тарзда фаолиятнинг жисмоний ва психик доираларида турли мураккабликлар юзага келиши эҳтимоли юқори ҳисобланади. Бундан ташқари, умумий амалиёт шифокорларининг ушбу тоифаси касбий стресснинг муаммоли даражасини бартараф этишга йўналтирилган малакали

кўмакка мухтож, чунки бу респондент шахсида ҳам, унинг юқори масъулиятга эга бўлган касбий фаолиятида ҳам турли салбий оқибатларни олиб келиши мумкин. Умуман олинган психодиагностик натижалар суҳбатда иштирок этган умумий амалиёт шифокорларининг касбий фаолияти юқори стрессга мойиллигидан далолат беради.


Умумий амалиётнинг замонавий шифорларида касбий стресснинг долзарб шахсий детерминантларини аниқлаштириш учун кўплаб статистик аҳамиятли ўзаро алоқаларни аниқлаш имконини берган Спирменнинг нопараметрик мезони бўйича психодиагностик кузатув натижаларининг корреляцион таҳлили ( $n=228$ ) ўтказилди. Шундай қилиб, Т.Д.Азарних, И.М.Тиртишниковаларнинг касбий стрессни аниқловчи Тести ва Т.А.Немчинанинг асаб-психик зўриқишни аниқловчи сўровномаси бўйича натижалар ўртасида аҳамиятлилиги бўйича дастлабки корреляцион алоқа аниқланди ( $r=0,96$ ). Яъни ушбу корреляцион алоқа одатда умумий амалиёт шифокорларидаги асабий-руҳий зўриқишнинг юқори даражада ифодаланганлиги билан кузатиловчи юқори даражадаги касбий стрессдан далолат беради. Аҳамиятлилиги бўйича сўнгги корреляцион алоқа Т.Д.Азарних, И.М.Тиртишниковаларнинг касбий стрессни аниқловчи тести ва А.Г.Маклаков, С.В.Чермянинларнинг «Адаптивлик» кўп даражали шахс сўровномаси (КДШС)нинг коммуникатив хусусиятлари шкаласи бўйича олинган натижалар ўртасида аниқланди ( $r= -0,89$ ). Яъни ушбу корреляцион алоқа паст даражадаги касбий стрессга эга бўлган умумий амалиёт шифокорлари одатда юқори даражада ривожланган коммуникатив хусусиятлар соҳиблари эканлигидан далолат беради. Аҳамиятлилиги бўйича навбатдаги корреляцион алоқа Т.Д.Азарних, И.М.Тиртишниковаларнинг касбий стрессни аниқловчи Тести ва Ч.Д.Спилбергер ва Ю.Л.Ханиннинг хавотирни тадқиқ этувчи тестининг вазиятли хавотир шкаласи бўйича олинган натижалар орқали аниқланди ( $r= 0,88$ ). Яъни ушбу корреляцион алоқа юқори даражадаги касбий стрессга эга бўлган умумий амалиёт шифокорлари одатда вазиятли хавотирнинг юқори даражаси, касбий стресснинг паст даражасидаги мутахассислар мувофиқ равишда нисбатан паст даражадаги вазиятли хавотир эгалари саналишидан далолат беради. Аҳамиятлилиги бўйича кейинги корреляцион алоқа Т.Д.Азарних, И.М.Тиртишниковаларнинг касбий стрессни аниқловчи тести ва А.Г.Маклаков, С.В.Чермянинларнинг «Адаптивлик» кўп даражали шахс сўровномаси (КДШС) нинг коммуникатив хусусиятлари шкаласи бўйича олинган натижалар ўртасида аниқланди ( $r= -0,76$ ). Яъни юқори даражадаги касбий стрессга эга бўлган умумий амалиёт шифокорлари одатда паст адаптацион салоҳият соҳиблари саналади. Аҳамиятлилиги бўйича кейинги корреляцион алоқа Т.Д.Азарних, И.М.Тиртишниковаларнинг касбий стрессни аниқловчи тести ва умумий амалиёт шифокорининг ёш ( $r= -0,75$ ), шунингдек, касбий фаолият стажи ( $r=-0,67$ ) бўйича олинган натижалар ўртасида аниқланди. Яъни паст даражадаги касбий стрессга эга бўлган умумий амалиёт шифокорлари одатда нисбатан катта ёшдаги ва касбий фаолиятда кўпроқ стажга эга бўлган мутахассислар саналади. Якуний

корреляцион алоқа Т.Д.Азарних, И.М.Тиртишниковаларнинг касбий стрессни аниқловчи тести ва М. Шнайдернинг коммуникатив назорат тест-сўровномаси бўйича олинган натижалар ўртасида аниқланди ( $r = -0,74$ ). Яъни юқори даражадаги касбий стрессга эга бўлган умумий амалиёт шифокорлари одатда коммуникатив таъсирчанлик, ортиқча очиклик ва ҳатто эркинлик билан намоён бўладиган паст даражадаги коммуникатив назорат эгалари ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган статистик аҳамиятли корреляцион алоқаларни умумий амалиёт шифокорлари касбий стрессининг долзарб шахсий детерминантлари сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқдир (3-расмга қаранг).



### 3-расм. Умумий амалиёт шифокорлари касбий стрессининг шахсий белгилари

Ўтказилган назарий таҳлил, мазкур диссертацион ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ эмпирик тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда биз томонимиздан умумий амалиёт шифокори касбий стрессининг модели тайёрланди. Ушбу модел қуйидаги асосий таркиб топтирувчиларни назарда тутди: ташқи детерминантлар (стрессорлар)-умумий амалиёт шифокорлари касбий фаолиятини амалга оширадиган муҳит таъсири билан боғлиқ; ички детерминантлар-умумий амалиёт шифокорларининг шахсий хусусиятлари (детерминантлари) билан боғлиқ (4-расмга қаранг).



**4-расм. Умумий амалиёт шифокорининг касбий стресси структур модели.**

Тайёрланган модел мазмунини батафсил кўриб чиқамиз. Демак, ташқи детерминантлар доирасида қуйидаги асосий стрессорларни ўрганамиз: касбий-шахсий; касбий-ижтимоий.

Назарий таҳлил, психодиагностик кузатув, шахслараро, хусусан, мижозлар билан бўладиган мулоқот детерминантлари, бир томондан, умумий амалиёт шифокорлари касбий фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланган, бошқа томондан эса, улар учун энг стрессогенлардан бири ҳисобланади. Шу билан боғлиқ равишда ушбу детерминантларни касбий стресс юзага келишининг ташқи сабабларига алоҳида гуруҳ (касбий-шахслараро) га киритиш мақсадга мувофиқдир: мулоқотдаги юқори эмоционал фон; мижозларнинг касалликлари натижасида салбий кечинмалари билан мунтазам тўқнаш келиш; мижоз учун конструктив бўлган коммуникацияни ўрнатиш ва б.қ.

Кейинги гуруҳ касбий-ижтимоий бўлиб, у касбий стресс пайдо бўлишининг ташқи сабабларига киради ва умумий амалиёт шифокорлари касбига хос бўлган асосан ижтимоий детерминантларни ўз ичига олади. Замонавий шароитларда касбий-ижтимоий детерминантлар аҳамиятини баҳолаш мушкулдир.



Мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими иқтисодий салоҳиятга боғлиқлиги яққол кўзга ташланади. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг юқори салоҳияти пул маблағларини инвестиция қилиш ва бюджет тармоқларини ривожлантириш имконини беради. Соғлиқни сақлаш ишлаб чиқариш соҳасига бевосита боғлиқдир, чунки комплекс ривожланиш учун моддий воситаларни мустақил топиш мумкин эмас. Шу муносабат билан, ресурслар ва шунга мувофиқ соғлиқни сақлашнинг таъминланганлиги мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига бевосита боғлиқ. Молиявий депозитлар тегишли мутахассисларга иш ҳақини ошириш, уларнинг мақомини яхшилаш имконини беради, бу эса, албатта, профессионал иш билан банд бўлган шахснинг умумий эмоционал саломатлигига таъсир қилади. Тинч, кескин инқилобий ўзгаришларсиз давлатнинг мавжудлиги ижтимоий кайфиятни барқарорлаштиради. Барқарорлик мамлакатнинг босқичма-босқич ривожланишига ва аҳолининг аксарият қатламлари эмоционал хотиржамлигига ҳисса қўшади. Шундан келиб чиқиб, барқарор босқичма-босқич ривожланиш ижобий эмоционал ҳолатни сақлаб қолишга ва умуман касбий стрессларнинг ривожланиш даражаси пасайишига ёрдам беради. Бундан ташқари, ижтимоий-маданий фарқлар ижтимоий ҳамкорликнинг ҳар бир иштирокчиси психологик ҳолатига таъсир этувчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўзгарувчан маданиятда мослашиш зарурати атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларни ўзгартиришга кучли туртки беради. Баъзида янги маданий муҳитда фаолият юритиш учун мутахассиснинг фаолиятга тайёр эмаслиги мослашиш жараёнини кечиктиради ва стрессли реакцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган детерминант гуруҳлари субъектив баҳолаш шароитида стрессорлар сифатида пайдо бўлиши мумкин. Агар умумий амалиёт шифокорлари томонидан касбий-шахслараро ва касбий-ижтимоий детерминантларни стрессоген сифатида баҳолаш юзага келмаса, ана шунда стрессли реакция ҳам юзага келмайди. Шу тариқа, умумий амалиёт шифокори касбий стресси ташқи детерминантларнинг (касбий-шахслараро ва касбий-ижтимоий) ҳаракатлари қуйидаги ички: шахсий, ташкилий ва касбий детерминантларнинг призмасидан стрессли деб баҳолаш натижасида ривожланади.

Шахсий детерминантлар гуруҳига умумий амалиёт шифокорининг қуйидаги хусусиятлари киради: асабий-руҳий зўриқиш, яъни ушбу хусусиятнинг мавжудлиги умумий амалиёт шифокорида касбий стресснинг юқори даражасини таъминлайди; коммуникатив хусусиятлар, яъни бу хусусиятнинг паст даражада ривожланиши умумий амалиёт шифокорида касбий стресснинг юқори даражасини таъминлайди; вазиятли хавотир, яъни ушбу хусусиятнинг мавжудлиги умумий амалиёт шифокорида касбий стресснинг юқори даражасини таъминлайди; шахсий адаптацион салоҳият, яъни ушбу хусусиятнинг паст даражада ривожланиши умумий амалиёт шифокорида касбий стресснинг юқори даражасини таъминлайди; коммуникатив назорат, юқоридаги каби ушбу хусусиятнинг паст даражада

ривожланиши умумий амалиёт шифокорида касбий стресснинг юқори даражасини таъминлайди.

Ўз навбатида, ташкилий-касбий детерминантлар гуруҳи касбий фаолиятнинг ёш ва стажини ўз ичига олади, яъни нисбатан кам стаж ва мувофиқ ёш билан умумий амалиёт шифокорида юқори даражадаги касбий стресс юзага келиши эҳтимоли ошади. Мазкур хусусиятлар олдинги параграфда тавсифланган психодиагностик кузатув натижаларининг корреляцион таҳлил натижалари бўйича ажратилди. Шунингдек, бу гуруҳга яна қуйидагиларни ҳам киритдик: иш ҳажми, яъни психологик юк; ишнинг мураккаблиги, яъни касбий фаолиятда муаммолилик даражаси; раҳбарият билан ўзаро таъсир хусусиятлари, яъни раҳбарият билан муносабатларнинг кескинлиги.

Шундай қилиб, ҳар бир умумий амалиёт шифокори бажарадиган иш ҳажми кўплаб омиллар билан боғлиқ. Бироқ кўпинча бу ҳажм ҳаддан ташқари кўп бўлиб, психологик юкни келтириб чиқаради. Умумий амалиёт шифокорининг ўзига хос хусусияти шундаки, иш куни давомида катта миқдорда юқори масъулиятли вазифаларни бажариши лозим. Бу вазифалар турли даражадаги аҳамият, мураккаблик, устунликка эга. Уларни эса ҳар доим ҳам ўз вақтида бажариб бўлмайди. Бундай вазият касбий стресс пайдо бўлишига олиб келади. Раҳбарият билан ўзаро муносабатлар кўпинча ҳар бир мутахассис фаолиятини ўзи баҳолаши шаклланишида ҳал этувчи аҳамият касб этади. Чунки бундай баҳо салбий жиҳатга эга бўлиши ёки умумий амалиёт шифокорида эмоционал ноқулайлик ҳиссини туйиш ҳолатлари юзага келишимумкин. Бундай вазият яширин стрессли ҳисобланади.

**Диссертация «Бўлажак умумий амалиёт шифокорларининг касбий стресси профилактикаси усуллари»** деб номланган учинчи бобида касбий стресс профилактикасининг мақбул шакл ва методларини тадқиқ этишга, бўлажак умумий амалиёт шифокорлари касбий стресси профилактикаси бўйича тренинг машғулотлари дастурини тайёрлаш ва унинг самарадорлигини текширишга бағишланган.

Умуман стрессли ҳолатлар ва хусусан, касбий стрессдан огоҳлантириш масаласига бағишланган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, стрессли ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш бўйича иш олиб бориш учун олимлар турли шакл ва методларни танлаган. Шунингдек, улардан энг кенг тарқалганлари орасидан асосан гуманистик психологияни ўқитишга асосланган тизимлаштирилмаган профилактик чора-тадбирлар мажмуасини ажратиш мумкин. Мазкур диссертация объекти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини кузатиш, рефлексия, ўз фикрларини таҳлил қилишга қодир бўлган шахслар учун энг самарали ҳисобланган бўлган рационал-эмотив ёндашувни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан боғлиқ равишда рационал-эмотив воситалар бўлажак амалиёт шифокорлари билан ишлашда самарали бўлиши мумкин. Бундан ташқари, мавжуд тажрибани умумлаштириб, стресснинг олдини олиш учун бир нечта асосий таъсир даражаларини ажратишимиз мумкин: органик-унинг доирасида стрессга қарши таъминот, автофиторегуляция, жисмоний фаоллик ва бошқалар фаол

ишлатилади; психофизиологик-унинг доирасида медитация, нафас олиш техникаси, прогрессив мушакларнинг релаксацияси, аутоген машғулот, биологик қайтарма алоқа ва ҳоказолардан фаол фойдаланилади; психологик-одатда когнитив-хулқ-атвор ёндашувига асосланган турли тренинглардан фаол фойдаланилади.


Касбий стресснинг тайёрланган структур модели асосида замонавий ёндашувларни кўриб чиқиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда «Касбий стресс психопрофилактикаси» тренинг машғулотлари дастури тайёрланди. Тайёрланган дастурнинг асосий мақсади бўлажак амалиёт шифокорларида касбий стресснинг олдини олиш ҳисобланади. Мақсаддан келиб чиқиб, кўйидаги асосий вазифалар шакллантирилди: касбий стресс ва стрессли ҳолатларни бошқариш йўллари ҳақидаги билимлар тизимини шакллантириш; ижобий фикрлаш ва адекват ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини қабул қилиш, шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши; коммуникатив хусусиятлар, шахснинг адаптацион салоҳиятини ривожлантириш, асабий-руҳий зўриқиш, вазиятчи хавотирни камайтириш; низосиз мулоқот усулларига ўргатиш, шифокорлик фаолиятида низодан огоҳлантириш, низоли вазиятда оптимал хулқ-атвор; миждозлар билан конструктив мулоқот кўникмаларини ривожлантириш; шахсий ва касбий ўз-ўзини англашни ривожлантириш; ўз-ўзини бошқариш усулларига ўргатиш.

Тайёрланган дастурнинг асосини 20 академик соатга мўлжалланган 10 та тренинг машғулотли ташкил этди (ҳар бир машғулот 2 академик соатгача). Ҳар бир тренинг машғулотли уч таркибий қисмдан иборат: кириш қисми, унинг доирасида тренинг машғулотли мавзуси эълон қилинди, ташкилий саволлар муҳокамаси ва касбий стресс профилактикасининг долзарб мавзулари бўйича мини-маърузалар ўтказилди; асосий қисм, унинг доирасида тренинг машқлари ўтказилди; натижаларни жамлаш, ўтилган материални мустаҳкамлаш, рефлексия машқлари ва бошқаларни ўз ичига олган якуний қисм.

Тренинг машғулотлари дастурининг асосий мазмун элементларини яқиндан кўриб чиқамиз. Шундай қилиб, тўққизта мини-маъруза шифокорлик фаолиятида касбий стресснинг кўйидаги асосий ҳолатларини назарда тутди: касбий стресс тушунчасининг моҳияти; касбий стресснинг юзага келиш сабаблари; касбий стресснинг организмга таъсири ва умумий амалиёт шифокорининг психологик ҳолати; умумий амалиёт шифокори фаолиятида касбий стресс; касбий стресснинг психодиагностик воситалари; касбий стресс даражалари; умумий амалиёт шифокорларида касбий стресснинг шахсий детерминантлари; умумий амалиёт шифокорлари касбий стрессининг структур модели; касбий стресснинг олдини олиш шакллари ва методлари. Қўйилган мақсадга босқичма-босқич эришишга қаратилган 30 машқ тайёрланган тренинг машғулотлари дастурининг навбатдаги асосий мазмун элементи ҳисобланади. Уларни танлаш ушбу тадқиқот объектини ҳисобга олган ҳолда дастурнинг шакллантирилган мақсадларига мувофиқлик, амалий самарадорлик ва мақбуллик тамойили асосида амалга оширилди. Тадқиқот предметининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, машқлар мазмуни

қисман модернизацияга учради, бу эса гуруҳ ишларида амалий қўллаш жараёнини сезиларли даражада осонлаштирди. Шу билан бирга, эришилган натижаларни мустақамлашга қаратилган машқларни яқунловчи машқ (ўнинчиси), шахсий стрессга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асосланган стрессга қарши детерминантларни янада ривожлантириш (такомиллаштириш) бўйича мустақил ишларни давом эттиришни фаоллаштиришга йўналтирилган.

Тайёрланган тренинг машғулоти дастури самарадорлигини текшириш мақсадида эмпирик тадқиқот ташкиллаштирилди ва ўтказилди. Унда учинчи, тўртинчи ва бешинчи курсдаги аёл ҳамда эркак жинсидаги 195 нафар бўлажак амалиёт шифокорлари қатнашди. Олинган маълумотларни қиёслаш учун эмпирик тадқиқотнинг танлови қиёсий гуруҳларга ажратилди: экспериментал гуруҳ (n=98), респондентлар тайёрланган тренинг дастури машғулотларини ўтказишда қатнашди ва назорат гуруҳи (n=97), унинг респондентлари тайёрланган тренинг дастури машғулотларини ўтказишда қатнашмади (5-расмга қаранг).



**5-расм. Жинс бўйича эмпирик тадқиқот танлови тавсифи (n=195)**

Тренинг машғулоти дастури бир ярим ой давомида ҳафтада икки марта ўтказилди. Тренинг машғулотларини ўтказишдан олдин ва кейин ҳам экспериментал ва назорат гуруҳи респондентлари психодиагностик комплекс ёрдамида текширилди. Шундай қилиб, биринчи психодиагностик кузатув

натижалари таҳлилининг кўрсатишича, ҳам экспериментал (n=98), ҳам назорат гуруҳи (n=98) респондентлари тренинг машғулотида дастури бошлангунга қадар асосий диагностик кўрсаткичлар бўйича деярли фарқланмаган, бу эса кейинги қиёсий таҳлил учун тегишли шарт-шароитлардан далолат беради. Бундан ташқари, психодиагностик кўрсаткичлар бўйича танловнинг бир хиллиги тасдиқланди ва Студентнинг t-мезони бўйича экспериментал ҳамда назорат гуруҳларидаги ўртача қиймат тенглиги таҳлили натижаларига статистик жиҳатдан мувофиқдир.

Биринчи ва иккинчи психодиагностик кузатув натижалари таҳлилининг кўрсатишича, бўлажак амалиёт шифокорлари экспериментал гуруҳи (n=98) да ўтказилган тренинг машғулотида дастури натижаларига кўра касбий стресснинг шахсий детерминантлари гуруҳи сифатида талқин қилинган индивидуал-психологик хусусиятларнинг олдиндан аниқланган мажмуасининг ифодаланганлиги сезиларли даражада яхшиланди. Шундай қилиб, асабий-руҳий зўриқиш юқори даражада намоён бўлган респондентлар миқдори (Т.А.Немчиннинг асабий-руҳий зўриқишни аниқлаш сўровномаси ёрдамида диагностика қилинган) 50 % дан (тренинг машғулотида дастурини ўтказгунга қадар 49 киши) 8,2 % гача (тренинг машғулотида дастурини ўтказгандан сўнг 8 киши) камайди. Шунга кўра, бўлажак умумий амалиёт шифокорларининг ўртача ва паст даражадаги асабий-руҳий зўриқиш намоён бўлиши 50 % дан (тренинг машғулотида дастурини ўтказгунга қадар 49 киши) 91,8 % гача (тренинг машғулотида дастурини ўтказгандан сўнг 90 киши) ошди (6-расмга қаранг).



**6-расм. Бўлажак амалиёт шифокорларининг экспериментал гуруҳида тренинг машғулотида дастурига ва ундан сўнг асабий-руҳий зўриқишнинг намоён бўлиш даражасининг динамикаси (n=98).**

Ўтказилган тренинг машғулоти натижасида (М. Шнайдернинг коммуникатив назорат тест-сўровномаси ёрдамида аниқланган) коммуникатив назорат намоён бўлиши паст даражадаги респондентлари миқдори 37,8% дан (тренинг машғулоти дастурини ўтказгунга қадар 37 киши) 7,1 % гача (тренинг машғулоти дастурини ўтказгандан сўнг 7 киши) камайди.


Намоён бўлишнинг ўрта даражадагилари 53,1 % дан (тренинг машғулоти дастурини ўтказгунга қадар 52 киши) 70,4 % гача (тренинг машғулоти дастурини ўтказгандан сўнг 69 киши) ошди. Намоён бўлишнинг юқори даражадагилари 9,2 % дан (тренинг машғулоти дастурини ўтказгунга қадар 9 киши) 22,4 % гача (тренинг машғулоти дастурини ўтказгандан сўнг 22 киши) ошди (7-расмга қаранг).



**7-расм. Бўлажак амалиёт шифокорларининг назорат гуруҳида тренинг машғулоти гача ва ундан сўнг коммуникатив назоратнинг намоён бўлиш даражасининг динамикаси (n=98).**


Адаптацион салоҳият даражаси паст бўлган респондентлар миқдори (А.Г.Маклаков, С.В.Чермянинларнинг «Адаптивлик» кўп даражали шахс сўровномаси ёрдамида аниқланган) 8,2 % дан (тренинг машғулоти дастурини ўтказгунга қадар 8 киши) 4,1 % гача (тренинг машғулоти дастурини ўтказгандан сўнг 4 киши) камайди. Ўрта даражадагилар 81,6 % дан (тренинг машғулоти дастурини ўтказгунга қадар 80 киши) 33,7 % гача

(тренинг машғулотлари дастурини ўтказгандан сўнг 69 киши) камайди. Мувофиқ равишда юқори даражада ифодаланган адаптацион салоҳият 10,2 % дан (тренинг машғулотлари дастурини ўтказгунга қадар 10 киши) 62,2 % гача (тренинг машғулотлари дастурини ўтказгандан сўнг 61 киши) ошди (8-расмга қаранг).



**8-расм. Бўлажак амалиёт шифокорларининг экспериментал гуруҳида тренинг машғулотларигача ва ундан сўнг шахснинг адаптацион салоҳияти намоён бўлиш даражасининг динамикаси (n=98).**

